

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЛ

ЧИҚИШИ.

№ 228 (5321).

21

НОВАБР

ПАЙШАНБА

1974 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТЬ  
КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ УРТОҚ Р. Ғ. ҒОНИБОВГА  
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ  
КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ УРТОҚ Х. Р. ҚУЙБОҚАРОВГА

Қашқадарё областининг қолхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини меҳнатдаги катта ғалаба-давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан қизғин қутлайман.

Аминманки, қишлоқ меҳнатчилари қўлга киритган муваффақиятларни мус-

тақамлайдилар, экинларнинг ҳосилдорлигини янада оширишга эришадилар ҳамда пахта, дон, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтирадilar.

Уртоқлар, сизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда беш йиллик планда белгиланган марралардан ўзиб кетишингизни тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил 20 ноябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сурхондарё областининг қолхозчилари, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимларини, ҳамма меҳнаткашларини алоҳида меҳнат ғалабаси давлатга пахта сотиш юзасидан юбилей йилнинг социалистик мажбуриятлари бажарилганлиги билан қизғин табриқлайдилар.

Областнинг қолхоз ва совхозлари йилнинг қийин шaroитларида меҳнат қўйилган сув таъминоти етиб ўтиб, мўл ҳосил етиштирдилар, йилнинг охирида уюшқонлик билан ўтказдилар ва тайёрлов пунктларида 450 минг тонна пахта элиб бердилар. Шунинг 136 минг тоннаси қимбатроқ илгичча толали пахта бўлди. Пахта терим машиналарида ҳосил терим плани ошириб бажарилиди.

Денов, Сарносий, Гагарин, Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи районларининг қолхоз ва совхозлари давлатга пахта сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Терим

районининг деҳқонлари мажбурият ҳисобига пахта тоширишмоқдалар.

Эришган ғалаба пахтакорлар, механизаторлар, ирригаторлар, қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг катта меҳнати ва юксак маҳорати, қишлоқда катта ташкилотчилик ва сийёс иш олиб боришга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қўл очиб бажарилганлиги натижасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари 1975 йил ҳосили учун мустақкам замин яратиб бериш ҳамда қишлоқ-қишлоқ ишларини ўз вақтида роғат сифатли қилиб бажардилар, чорва қишлоқини намунали ташкил этидилар, сўғирладилар деҳқончилик катта ишкониятларини амалга ошириш ва техника тараққиётини жорий этиш асосида пахтачиларни, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини янада юксалтиришга эришадилар, беш йиллик планини ҳамма тоширишларини муваффақиятли бажардилар, деб қаттиқ ишонч билдирадilar.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ НАМАНГАН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Наманган областининг қолхозчилари, совхоз ишчилари, барча меҳнаткашларини давлатга пахта сотиш юзасидан халқ хўжалиги планини анча ошириб бажарганликлари билан қутлайдилар.

Тайёрлов пунктларида 420 минг тонна ёки халқ хўжалиги планида белгилангандан 32,4 минг тонна кўп пахта етказиб берилди. 215 минг тонна ёки планининг 110 проценти миқдордаги пахта терим машиналари билан йиғиштирилди.

Сув таъминоти оғир шaroитда бундай муваффақиятларга пахтакорларнинг, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати натижасида, қолхоз ва совхозларда собитқадамлик билан ташкилотчилик ва сийёс иш олиб боришга натижасида эришадилар.

Наманган, Янгиқўрғон, Уйчи районларининг деҳқонлари давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Уйқўрғон, Поп, Задаре, Норин ва Тўрақўрғон районларининг пахтакорлари муносиб ҳисса қўлиб, олган мажбуриятлари ҳисобига пахта тоширишдан давом эттиришмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Наманган областининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари 1975 йил ҳосили учун барча қишлоқ-қишлоқ ишларини қисқа муддатда ва юқори сифатли бажардилар, чорва қишлоқини яхши ўтказдилар, қишлоқ хўжалигининг барча тармақларини ривожлантиришда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик тоширишларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирадilar.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ  
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ БОШ  
СЕКРЕТАРИ УРТОҚ Л. И.  
БРЕЖНЕВНИНГ СУРИЯ АРАБ  
РЕСПУБЛИКАСИГА ВИЗИТИ  
ТУГРИСИДА

Араб Социалистик уйғонув партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг президенти Уртоқ Х. Асадининг тақлифига биноан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Уртоқ Л. И. Брежнев 1975 йил январь ойининг иккинчи ярмида дўстона расмий визит билан Сурия Араб Республикасига боради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
НИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ УРТОҚ  
Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ИРОҚ  
РЕСПУБЛИКАСИГА ВИЗИТИ  
ТУГРИСИДА

Араб социалистик уйғонув партиясининг (БАСС) маҳаллий раҳбарлигининг Бош секретари, Ироқ президенти Аҳмад Хасан Аб-Бакр-нинг, шунингдек Ироқ БАСС партияси раҳбарлигининг тақлифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Уртоқ Л. И. Брежнев 1975 йил январь ойининг иккинчи ярмида дўстона расмий визит билан Ироқ Республикасига боради.

## ВИЗИТ ТУГАДИ

ЭРОН ШАХАНШОҲИ  
МУҲАММАД РИЗО ПАҲЛАВИИ  
МОСКВАДАН ЖУНАБ КЕТДИ

Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий 20 ноябрда Москвадан жўнаб кетди. Олий мартабали меҳмон СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг тақлифига биноан Москвада амалий визит билан Москвада меҳмон бўлиб турди.

Эрон ва Совет Иттифокининг давлат байроқлари билан безатилган Вилково аэродромда олий мартабали меҳмонни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий ишчилар қутатиб қолдилар.

Қутатиб қолувчилар орасида Эроннинг Совет Иттифокига элчиси Аҳмад Ардалан бор эди.

Ушбу масофада қўшларнинг уч тўри вакиллари—пилотлар, ушулчлар, денгизчилардан иборат фахрий қорувул саф тўртла турди. Фахрий қорувул бошлиғи Эрон шаҳаншоҳига рапорт берди. Эрон ва Совет Иттифокининг давлат гимнлари киро этилди.

Шаҳаншоҳга ҳамроҳ бўлган расмий кишилар ҳам у билан бирга Москвадан жўнаб кетишди. (ТАСС).

## ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг ўн тўртинчи томини ўзбек тилида нашр этди. Бу томга 1905 йил сентябрдан 1907 йил февралгача яратилган асарлар киритилган.

В. И. Ленин асарлари КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтидан ўзбек тилига таржима қилинди. (ЎЗАТ).

## Журнал ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйдагилар область «Журнал тахтасига» ёзилдилар.

### ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎИЧЧА

«Ленинбод» қолхоз (раиси К. Ғамбардиев, партия ташкилотининг секретари Б. Сувонов, касаба союз комитетининг раиси Ш. Ражабов, комсомол ташкилотининг секретари Хусанов уртоқлар).

Ботаник номи қолхоз (раиси Б. Сулаймонов, партия ташкилотининг секретари А. Муликков, касаба союз комитетининг раиси М. Баратов, комсомол ташкилотининг секретари Г. Маилбоев уртоқлар).

«Партия ХАМ сўзиди» қолхоз (раиси Р. Ғамбардиев, партия ташкилотининг секретари Х. Эрдулов, касаба союз комитетининг раиси Э. Худойкулов, комсомол ташкилотининг секретари Турсунбоев уртоқлар).

«Коммунизм» қолхоз (раиси М. Тўраҳужаев, партия ташкилотининг секретари А. Илбосов, касаба союз комитетининг раиси А. Нишонов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Искандаров уртоқлар).

«Озод» қолхоз (раиси Х. Алишев, партия ташкилотининг секретари И. Қосимов, касаба союз комитетининг раиси С. Саидов, комсомол ташкилотининг секретари У. Раҳмонов уртоқлар).

Қуновш номи қолхоз (раиси Э. Ниёзов, партия ташкилотининг секретари С. Абдуллаев, касаба союз комитетининг раиси А. Алберов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Ўтовроқ уртоқлар).

Ҳалид Олимжон номи қолхоз (раиси Х. Эргашев, партия ташкилотининг секретари А. Қорабоев, касаба союз комитетининг раиси К. Исмаилов, комсомол ташкилотининг секретари Э. Оқубаев уртоқлар).

Карл Маркс номи қолхоз (раиси К. Жуманов, партия ташкилотининг секретари Р. Ҳакимжонов, касаба союз комитетининг раиси У. Ўраев, комсомол ташкилотининг секретари А. Тўлмачев уртоқлар).

Охунбоев номи қолхоз (раиси Н. Кукса, партия ташкилотининг секретари А. Холиков, касаба союз комитетининг раиси С. Улархонов, комсомол ташкилотининг секретари А. Уринбоев уртоқлар).

Навоий номи қолхоз (раиси Х. Қаҳрамонов, партия ташкилотининг секретари М. Раҳматулов, касаба союз комитетининг раиси Н. Аловуддинов, комсомол ташкилотининг секретари Б. Хасанов уртоқлар).

«Ленин» қолхоз (раиси А. Кузайбоев, партия ташкилотининг секретари А. Қаршоев, касаба союз комитетининг раиси Т. Умурзоков, комсомол ташкилотининг секретари Бегайев уртоқлар).

Калинин номи қолхоз (раиси Т. Совгабев, партия ташкилотининг секретари У. Музаффаров, касаба союз комитетининг раиси Д. Пошев, комсомол ташкилотининг секретари Р. Муллошев уртоқлар).

1-«Оққўрғон» совхоз (директори Ж. Элчибоев, партия ташкилотининг секретари И. Суржи, касаба союз комитетининг раиси А. Орпнов, комсомол ташкилотининг секретари М. Маҳмудов уртоқлар).

### ҚУНИ ЧИРЧИК РАЙОНИ БЎИЧЧА

«Победа» қолхоз (раиси П. Пак, партия ташкилотининг секретари У. Эралиев, касаба союз комитетининг раиси Н. Тен, комсомол ташкилотининг секретари С. Қиз уртоқлар).

Свердлов номи қолхоз (раиси И. Юсупов, партия ташкилотининг секретари К. Бойбегиров, касаба союз комитетининг раиси Н. Ли, комсомол ташкилотининг секретари Ш. Тушқатов уртоқлар).

Ленин номи қолхоз (раиси В. Ким, партия ташкилотининг секретари Е. Пак, касаба союз комитетининг раиси К. Югай, комсомол ташкилотининг секретари Л. Хан уртоқлар).

«Зар коммунизма» қолхоз (раиси В. Хан, партия ташкилотининг секретари Қ. Першеев, касаба союз комитетининг раиси А. Шегай, комсомол ташкилотининг секретари А. Нам уртоқлар).

Димитров номи қолхоз (раиси А. Ким, партия ташкилотининг секретари Л. Пак, касаба союз комитетининг раиси И. Ким, комсомол ташкилотининг секретари М. Ли уртоқлар).

«Ленинград» қолхоз (раиси В. Пак, партия ташкилотининг секретари М. Абдурамамов, касаба союз комитетининг раиси Г. Сисоев, комсомол ташкилотининг секретари А. Сафаров уртоқлар).

Волков номи совхоз (директори З. Назиров, партия ташкилотининг секретари Л. Аслабеков, касаба союз комитетининг раиси Т. Исмаилов, комсомол ташкилотининг секретари Е. Ермонов уртоқлар).

## ЕР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАМИЗ

Хўжалигимиз қўшни 3-«Назарбек» совхоз билан мусобақадор.

Икки хўжалик сабзавоткорлари йил давомида мўл ҳосил етиштириш соҳасида бир-бирларининг қўшни ишларидан кўз-қўлоқ бўлиб туришди. Қамчиликларни бартараф қилиш юзасидан қишлоқ матил финр ва мулоҳазаларини айтишди. Биз мусобақадорларнинг маҳсулотларида амал қилишди. Ишонч сифатли бўлиши учун барча чораларни кўрдик.

Бизда икки кун етишмайдик. Шунга қарамай сабзавоткорларимиз зўр гайрат билан меҳнат қилишди. Сабзавот экинлари ўз вақтида озиқлантирилди, сўғирладилар. Ўғитлардан моҳирлик билан фойдаланилди. Барча куч ва эътиборимиз ернинг унумдорлигини оширишга қаратилди.

Натижа чалиш бўлмади. Биз мусобақадорларнинг ҳаққоний таъйидларидан тегишли ҳудудса чиқариб, ўтган йилларга нисбатан анча кўп маҳсулот етиштиришга эришдик. Мусобақа якунларида қараганда, ҳозир биз ҳаммасларимизга нисбатан 1500 тонна кўп сабзавот ва полиз етиштириб бердик. Халқ хўжалиги ва социалистик мажбурият ҳам ортиги билан адо этилди. 4392 ўрнига 4900 тонна маҳсулот етиштиришга сўз берган эдик, амалда 5500 тоннадан ортиб кетди.

Қартошка етиштиришда ҳам анча ишлар қилинди. Еримиш учта унумдор бўлмаслигига қарамай, бу соҳадан план 122 процент қилиб бажарилди. Ҳар гектар ердан 10 тонна ўрнига 13 тоннадан картошка, 18,5 ўрнига 23 тоннадан сабзавот йиғиштириб давлатга тоширилди. Абду Ермишбеков, Малик Мустаев бошлиқ ва бошқа бригадаларнинг сабзавот-

корлари барча экин турларидан ҳосил олишда катта муваффақиятларга эришдилар. Турсунбой Олимжонов бошлиқ бригада деҳқонлар ҳар гектар ердан пландаги 19 ўрнига 25 тоннадан полиз экинлари, Малик Мустаев бошлиқ бригада аъзолари 9 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 тоннадан помидор ҳосили етиштирдилар.

Экинларни парвартиш этишда, бегона ўтларга қарши курашишда, етилиб пилишга ҳосилин лўчиқларга жойлаштириб, шаҳарликларга жўнатишда Владимир Пустовойтов, Шомил Юсупов, Шавкат Юсупов, Зокир Бейгуллаев, Ориф Каримов, Эриш Қодиров, Маҳмуд Ҳайбуллаев, Карим Мустоев каби

ди. Шу туфайли 350 гектар ердан икки марта ҳосил олдик. Хосилдорлик гектар бошига кескин равишда ошди.

Хўжаликнинг комплекс ривожлантириш мақсидига чорвачилик фермаси ташкил этилди. Соғин ситилар кўпайтирилди, золи экинлар қўпайтирилди. Чорва моллар туғиб қўналиб, серкайок сўт етиштириб берилди. Гўшт, сўт тошириш давлат планлари ҳам муддатидан олдин бажарилиди.

Совхоз матмурияти ишчиларини баракали, гайрат ва ташаббус билан меҳнат қилишлари учун барча шaroитларни яратиб бермоқда. Айниқса турар-жой биноларини қуриш, маданий-маиший жойлар кўпайтириш соҳаси-

### СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ

тиниб-тинчимас ишчиларимиз астойдил меҳнат қилишди.

Совхоздаги ҳар бир сабзавотчи, полизчи, чорвалар республикамиз ва Улоқпартиянинг шонли 50 йиллик тўйини шундай муносиб меҳнат совгалари билан қутиб олди.

Бундан беш йил олдин совхозимиз райондаги қолқ хўжаликларида ҳисобланарди. Экинлардан маҳсулот олиш даражаси анча паст эди. Базин карталаримиздан олинган ҳосил хатто уруғликка кетган сарф-харажатларини қопламас эди. Коллективимиз бундай камчиликларни бартараф қилишда жонбозлик кўрсатишди. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш, ернинг меллиоратив аҳолини яхшилаш ҳисобига сабзавот майдонларини яна кенгайтирдик. Сувдан, техникадан, рационал фойдаланиш

да анчагина ишлар қилинди. Қўчаларимиз асфальтланди, экин чарқлари келтирилди, эҳолни ичимли сув билан таъминланди.

Коллективимиз бу янги имкониятлардан баҳраманд бўлиб, мусобақа байрогини тобора баланд кўтармоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг белгиларини йили барча соҳалар бўйича ортиги билан бажарилиди. Эндилда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилишнинг кучайтириб юбордик. Экинлардан бўшаган ерларнинг ҳаммаси бир неча ҳафта ичида чуқур шудгор қилиб бўлиди. Шудгордан олдин эса ерга минерал ўғит солинди.

Шунинг қайд қилиш керакики, сабзавоткорлар ерларга маҳаллий ўғитлар солишга алоҳида эътибор бера бошладилар. Кам ҳосил берадиган ерларга нормадан тапша-рини гўнг солишган эди, шу майдон-



КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ Карл Маркс номи қолхозининг Хоним Нурматов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 16 тонна дан картошка олиб юқори кўрсаткичга эришдилар. Ҳозир ҳосилдан бераган ерлар сифатли шудгор қилинмоқда. Ерни шудгор қилишда тракторчилардан Тешабой Раҳмонбердиев ва Абдулла Тўрагановлар астойдил меҳнат қилмоқдалар.



НИКОЛАС Гильен — кубалик машхур журналист ва шир, «Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш» Халқаро Ленин мукофоти лауреати. Николас шеърлари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган. ПРЕСС ЛАТИН-ТАСС. ФОТОСЪЕМКА



СССР йили қўшни жангчилари Тошкент—Олмалиқ магистрал йўли бўйларида қўламазор зоналар бунёд этиш юзасидан қимматли ташаббус ботладилар. Улар ҳозир йўл бўйларига мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш ишларини қизғин давом эттиришмоқдалар. Суратларда: 1. Оддий солдат Мансур Юнусов ва сержант Александр Демченко чуқур қовлашган хандакларга чинор туяларини меҳр билан ўтказмоқдалар. 2. Кекса боғбон Ойил ота Фузайлов вазод командирининг ўринбосари, старший сержант Лазарь Левтеров билан янги ўтқазилган ниҳолларни кўздан кечиришмоқда. 3. Тўқсон баҳорини кўрган Сирожиддинота Ҳасанов, кичиктой Ойбек Ойминов ва оддий солдат Маъий Барақ-боев мана шу чинорни эсдалик учун биргаликда ўтказмоқдалар. А. Абалин фотолари.

# ЙЎЛ БЎЙИДА УЧ БЎСТОН

Қўшнинг чарақлаб туриши қаранг! Ғўё баҳор қайтиб келгандек.

Олмалиқ томон лентадек ястаниб кетган асфальт йўл бўйида, бутун ҳаёт қайнамоқда. Бульдозерлар ер текисламоқда, экскаваторлар хандақ қазимоқда. Панамаляри бостириб қийиб олган солдат йигитлар эса гимнастерка енгларини баланд шимариб, ерга кўчат ўтказмоқдалар, оби-ҳаёт учун йўл очмоқдалар.

Бу ерни «тошлоқ участка» деб қолхозчилар беизъ айтишмаган эди. Ерга кетмон урсанг, бориб тошга тегарди. Солдат йигитлар натта-натта тошларини кўчириб ташлаб, тошлоқ ер устига қилиб қилиб соғ тупроқ ётқиздилар. Паст-баланд ерларни қафсдек қилиб текисладилар. Сўнг ип тортиб, чинор ниҳоллари учун қатор-қатор хандаклар ҳозирлашга киришдилар.

Бу йигитларнинг ҳадемай хизмат муддатлари ўтиб кетади. Улар ўз шаҳар ва қишлоқларига, ота-оналари бағрига ёруғ чехра билан қайтишадилар. Ҳозир яратаятган боғ-роғлари эса улардан бир умрга ёдгорлик бўлиб қолади. Ёзинг исми кўнларига шу дов-дарахтлар соясида роҳат қилиб, дам олган соатларимизда бехтёр солдат ўғлонлар хизматини эслаб қўямиз.

Ички кўшилларда хизмат қилаётган жангчилар Тошкент айланида йилларида уларнинг кўрсатишган эди. Кейинроқ сув тошқинлари рўй берган жойларга биринчи бўлиб етиб бориб, қанчадан-қанча мол-мулкларини оғат чапғилидан сақлаб қолдилар, қанчадан-қанча кишиларга қўмак бердилар.

Бутун эса улар яна бир хайрли ишга қўл урдилар: Тошкент—Олмалиқ магистрал йўли бўйларини ободонлаштириш ва қўламазорлаштиришга бел боғладилар. Оҳангарини йўл кўчилини бошқармаси ишчилари, Тўйтападаги 74-автотрактор партияси, автомобиль йўллари куриш ва эксплуатация қилиш республика министрининг «Зеленстрой» бошқармаси коллективи ҳам солдатларга ёрдамга ошишдилар. Ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб натта йўл бўйида уч жойда қўмак дам олиш зонаси яратилди.

Олмалиқ трассасидан Тўйтапа томон бурлиб кетган йўл ёнида бунёд этилаётган қўламазор зонани биз «Минчор» деб атадик, — дейди қисм командири. — Тош-

лоқ ер устига қилиб қилиб қилинган тупроққа йигитларимиз минг туп чинор ўтказмоқдалар. Бу чинорлар Қўноқ ва Бешарик кўчатзорларида етиштирилган. Оҳангарига кираверишда бунёд этилаётган иккинчи яшил зонага эса фақат қайрағоч ва садаклар экилмоқда. Бу ниҳоллар Сирдарё области кўчатзорларидан келтирилмоқда. Учғичи зонага мева дарахтлар экишга қарор қилиди. «Зеленстрой» бошқармасининг махсус богдорчиликовхози кўчатзорларидан етиштирилган турли навдаги ўриклар олдиндан ҳозирлаб қўйилган хандакларга илди тупроғи селгмай ўтказилмоқда.

— Икки йилга қолмай бу ерларнинг жамоли ўзгача ҳусн кашф этади, — сўхбатимизга қўшилди Ўрта Чирчиқ райоқпартия комитетининг биринчи секретари Саид Аҳмедов. — Тўйтапага бурлиган йўлнинг нариги бетидан баландлик устида ҳадемай республика тарихи музейи ҳамда меҳнат шон-шўхрати ёдгорлиги қўна бўй қўзади. Пастроқда эса қўшқаватли ресторан-қойхона ва автопарк бунёд этилади. Кўриниб турган кичик қўза нарироқ бориб яна ҳам кенгайди. Йўл-

нинг юқори томонига район пионер лагери жойлашади. Теваран-атрофлари эса меҳнатқилларнинг дам олиш зонасига айлантирилади. Ҳозир экилаётган ниҳоллар илдиз отиб, эрта баҳорда япроқ ёганда кейин бу ерлар яна ҳам мафтункор бўлиб кетади.

Кенг майдонда ишлар қизғин давом этмоқда. Солдатлар ҳар туп чинорни меҳр билан авайлаб, ерга қадамоздалар. Чинорнинг умри узоқ. У ёз жазирасида инсон боши узра салқин соя ташлаб туради, уни шамол ва бўронлардан, қор ва ёғишлардан асрайди. Атрофга ҳусн ва чирой бахш этади, боқий ҳаёт рамандек асрлаб мағрур қанот ёниб туради.

Чинорнинг бундай хосиятини йигитлар яхши билишадилар. Билишгани учун ҳам берилиб меҳнат қилишадилар, ўзларидан келажакка муносиб ёдгорлик қолдиришадилар. Маргилонлик оддий солдат Мансур Юнусов, украиналик ефрейтор Сергей Бондурченко, воронежловградлик сержант Лазарь Левтеров — ҳамма-ҳамма сидқидилдан ҳалол ишлайдиган. Улар ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълоини ҳамдирлар. Ўтказилаётган машқларда актив иштирок

этиб, неча бор командир ташаббуси билан қўламазорлаштириш схемасига яна бир бор қўз югуртириб чиқиди. Схемасида «Роҳат» қўлидан Оҳангарон ва Олмалиққа бўлган йўл атрофидаги қўриқлар қўриғиб турибди. Йўл бўйларида ҳозиргача 70 минг туп кўчат учун жой ҳозирланди. Солдатлар қўли билан магистраль бўйида салкам 30 минг туп чинор, 40 минг туп қайрағоч ва ўрик кўчатлари ўтказилди. Ҳар кунги Тошкент гарнизонидан неча юзлаб солдатлар саф-саф бўлиб, бўғуси боғ-роғлар томон йўл олмақдалар. Ўзлари яратаятган яшил бўстонларда кунги бўйи тер қўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳалқимизда яхшидан боғ қўлади деган навл бор. Ҳалқимизнинг кўнчилигаётган солдат ўғлонлар боғ-роғлар яратиб юзасидан қимматли ташаббус бошлаб эл меҳрига яна бир бор сазовор бўлмоқдалар.

Ҳадемай, Тошкент—Олмалиқ магистраль йўли бўйлари ямғиришларга, сўли бўстонларга бурнади. Йўл бўйида дам олиш зоналари ястанди.

**Ж. НОСИРОВ.**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

# ОНА-ВАТАН БУЙЛАБ



Воронежнинг «Лада» ансамблини мамлакатимиздаги элмас, балки чет элда ҳам яхши билишадилар. Бу ансамблининг ҳар бир қатнашчиси қўшқич бўлиб билан бирга раққос ва музикачи ҳамдир. Иккидир коллектив репертуари рус халқ санъатининг энг яхши намуналари билан бойитилган. «Лада» ансамбли Югославияда ўтказилган студентларнинг V халқаро фольклор фестивалининг дипломантидир. ВЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Суратларда: ансамбль қизлари рус халқ қўшғинини ижро этишмоқда. «Лада» ансамбли қатнашчилари М. Бойко, А. Сухарев, Л. Федоровлар эса репетицияда.

**В. Кожевников фотолари, ТАСС фотохроникаси.**



## ҲАР ТЎҒРИДА

**СОАТИГА БИР ЯРИМ ТОННА**  
«Вашкор» швед фирмаси соатига бир ярим тонна кир юза оладиган машина иштирок қилди. Машина туннел шаклида бўлиб, бир томонидан кир ташлаб, турлади, иккинчи томонидан эса тупруксиз тоза олишадилар.

Бу аjoyиб машина Швеция, Буюк Британия, ГФР, Франция ва Японияда синовдан ўтди.

**МИТТИ САМОЛЕТ**  
Уш орти от кучига эга бўлган самолётнинг француз иштирокчиси Коломбано иштирок қилди. Самолёт соатига 180 километр тезлик билан уча олади.

**КАПАЛАКЛАР БОҒИ**  
Австралия шаҳарларидан Сиднейда аjoyиб ҳайвонот боғи бор. Бу ерда капалакларнинг 360 турли бор. Улар ҳайвонот боғидан инкубаторларда қўлайилди. Капалаклар боғда эркин учиб юришадилар, уларга ҳеч қим тегмайди.

## СУД ЗАЛИДАН

1974 йилнинг 11 январь кунги Ўрта Чирчиқ район матлубот союзи правленисининг йиғилиши бўлиб, унда Э. Рашидовнинг 1-умумий оқватлиш муассасига директор этиб кўтариш масаласи кўрилди. Директорликка номзоднинг ҳамма ҳужжатлари бу масалани иккинчи ҳал қилишга асос бўла олар эди.

Олдинги вазифасида у «ҳеч вақтинга аямай, доимо планларни бажариб ишлаган, талабчан, қўбилан, коллектив ўртасида ҳурмат ва иззатга эга» эди. Ўрта Чирчиқ район матлубот союзи правленисининг раиси Махмудов, партия ташкилотининг секретари Тошқўлатов ва давлат савдоси ҳамда матлубот кооперацияси қўмитетининг раиси Воронков ўрта Чирчиқ Э. Рашидовга яна шундай маънога эга «характеристика» берган эдилар. Шундай қилиб, у директорлик амалига ўтказилди.

Орадан икки кун ҳам ўтмади у ўзгалар пули ҳисобига чўнтак тулдирини кийинди. 15 январь кунги чўчваре Ҳафсиннинг бош ошпази И. Тошқўлатов «кабинетга 30 сўм келтириб бериш» тўғрисида директор кўрсатмасини олди. Рокса бир ойда кейин 16 февралда

## ПОРАХЎРЛИК УЧУН

Тошқўлатов директор ҳўзурида ҳисоб-китоб қўғозлари билан ҳозир бўлди.

Рашидов тўсатдан сўраб қолди: — Бир ойлик пул қани? Тошқўлатов ҳеч нарсатга тушунмади. Сўнг директор «кўзо» берди: — Менга ҳар ойда 100 сўмдан пул олиб келасан. — Қаердан оламан шунча пулни? — У ёғини билмайман, агар шундай ишлаб олмасанг, нечанинги мумкин.

Март ойда ҳисоб тошқўлатов ҳам Тошқўлатов директорга пул бермади ва ҳеч қўйилганда бе-корликке қатъий хайфсан олди.

Директор ўн қаерда кўрмасин, ойига юз сўмдан пул талаб қила-диган бўлиб қолди. Тошқўлатов порахўрлик аълоини беришга қарор қилди. Ҳанда пул йўқлиги сабабли у Отабоевдан қарз олди ва арзага эи ОВХСга келди.

Порахўрлик аълоини устидан қўлга олишга қарор қилинди. Лекин Тошқўлатов директор хонасига кирганида Рашидов ундан пулни олмайди.

— Сен икки ой учун 200 сўм

беришинг керак, яна 100 сўм қани?

Тошқўлатов қайтиб чиқиб, бир ҳодимдан 100 сўм қарз олиб, ҳаммасини директор қўлига тўтқазди. Рашидов пулларин санаб чўнтакка уриб қўйини ҳосил қилди ва Тошқўлатовга жавоб берди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас унинг хонасига ОВХС ҳодимлари кириб келишди. Директор бўйига қўйилган айбон рад қилди. Бирок, бундан ҳеч нарсаси чиқмади.

Тошкент области судининг жиний ишлар бўйига суд коллегияси порахўрлик 8 йил озодлиқдан маҳрум қилиб, жазони қўчайтирилган режимдаги меҳнат ва ахлоқ тузатиш колониясига ўташга ҳўм қилди.

Гуноҳдор жазосини олди, лекин мақола бошида келтирилган ҳарактеристика авторлари наҳотки Рашидовнинг яхши билмаган бўлса, лар? Бу масъулиятсизликни? Ўйлаймизки, Ўрта Чирчиқ районда бу масалада бирор ҳўлосига келишадилар.

**Б. МАЛИКОВ,**  
Ўзбекистон ССР прокуратураси бўлимининг прокурори.  
**С. НЕСТЕРОВИЧ,**  
журналист.

## Спортив

**СОВРИН МУБОРАК**  
Космонавт-учувчи, икки марта Совет Иттифқи Қўрамоли Б. М. Комаров хотирасига бағишлаб классик кураш бўйича Челябинскда ўтказилган Бутуниттифқоқ турнирининг бош соврини тошкентлик спортчи А. Шодиева насиб бўлди. Шодиева барча урғашуларни муваффақиятли ўтказиб, турнир толиб бўлиб қайти. Тошкентликлардан яна уч киши — К. Фаткуллин, А. Гришко ва П. Агаповлар ҳам ўз вази категорияларида биринчи ўринни эгалладилар.

**ҚИЗГИН КУРАШЛАР ОЛДИНДА**  
Келаси йилда ўтказилаётган СССР халқлари VI спартакиадасига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳўзуридаги физкультура ва спорт қўмитети коллегияси 1975 йилда ўтказилаётган республика ва Бутуниттифқоқ мусобақалар календарини тасдиқлади.

Ўзбекистон XVII спартакиадаси келаси йилда ўтказилаётган оммавий мусобақаларининг энг каттаси бўлади. Бу мусобақа СССР халқлари спартакиадаси олдиндан бош репетиция вазифасини бажаради.

Келаси йилда спортнинг 42 тури бўйича 140 га яқин чемпионат ва биринчилик ўтказиш кўйилганда бўлади. Бу мусобақаларда Қўрақалпоғистон АССР, республика областлари ва Тошкент шаҳрининг 13 мингдан ортиқ спортчилари иштирок этади. Календарь бўйича республикамиз терма командаларига эса спортнинг 38 тури бўйича ўтказилаётган Бутуниттифқоқ чемпионатларида актив қатнашадилар.

**ФИНИШ ЯҚИН**  
Республикамизнинг танқили шахматчиси ва педагоги А. Ҳўмаев хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мусобақа ҳадемай яқинланади. Финаш яқинлашган сари шахматчилар босхи низохта кескинлашмоқда. 12 июнидан 10,5 очко тўплаган москвалик гротсмейстер ҳозир турнир пешқадами бўлиб турибди.

## ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.50 — ТОШКЕНТ. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — «Ахборот», 20.15 — Ўзбекистон. Юбилей йилининг репортажи. 21.05 — «Ахборот», 21.20 — Ўзбекистон ком. позиторлар союзи пленуми олдиндан (музикали кўрсатув). 22.00 — «Ванг», 22.30 — Қўрақалпоғистон АССР ташкил топан кўннинг 50 йиллигига. ЯҚОНА ОИЛАДА. ИК. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.50 — МОСКВА. 19.05 — Ўзбекистон. 19.15 — Кўнлоқ ноталар. 19.30 — Беш йилликнинг тўртинчи йили (Тошкент). 20.00 — Концерт. 20.30 — Ғалати қиз (телеспектакль). 22.00 — Ҳўжжати фильми. 22.30 — Адабий ўқиш. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.45 — Ҳўжжати кино экранни. 20.25 — Тошкент йилликлари. 20.40 — Булутлар (бадий фильми).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/ХИ да Лайла ва Мажнун. 22/ХИ да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/ХИ да Ҳаёт шони, 22/ХИ да Ин. қилоб тоғи, 23/ХИ да Комиссия.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/ХИ да Умарлар, 22/ХИ да Хону. ма хонум, 23/ХИ да Жонин фидо.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/ХИ да Ном, ном, инсон (16.00), 22/ХИ да Ойдин (16.00), 23/ХИ да Ташвиш, ланманг онамон (16.00).

## КИНО

Софил — САҒАТ САРОИИ (қўндуз ва кўчқурут).

Қора ботинқили новча киши — «ДРУЖБА», «КОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ЧАНКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ ЭО ИЛЛИГИ», «НУКУС», «ВОСТОК», «МОСКВА» (қўндуз ва кўчқурут), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 20.00, 21.30).

Жаннат олмадари — НАВОИЙ номли (қўндуз ва кўчқурут).

## ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАРКАЗИЙ, РЕПУБЛИКА, ОБЛАСТ ВА РАЙОН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна — «СОЮЗПЕЧАТ»нинг ҳамма агентликларидан, алоқа бўлимларидан, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот қўлатувчилар орқали қабул қилинади.

ОБУНАНИ — 25 нолбрга расмийлаштириш мумкин. Ўзбекистон ССР Алоқа министрилиги.

«СОЮЗПЕЧАТ» бошқармаси.

## «ВОЕННАЯ КНИГА» МАГАЗИНИ

ҚЎЙИДАГИ БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА АҲОЛИДАН АНТИКВАР ВА БУКИНИСТИК КИТОБЛАРИНИ СЎТИБ ОЛАДИ

бадий адабиёт, илимий адабиётлар (ёловлар, справочниклар, энциклопедиялар); 1947 йилдан сўнг нашр қилинган китоблар; бадий адабиёт, одаба нашрлар, ҳарбий, ҳарбий-техник, ҳарбий меъмулар, санъат бўйича китоблар ва бошқар нашрлар.

**ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАРИ!**  
Ўзингизнинг шахсий кутубхона, нағиздаги китобларни бир кўздан кечиринг ва келажикда ўзингизга керак бўлмайдиган китобларни «ВОЕННАЯ КНИГА» магазинига топширинг.

«ВОЕННАЯ КНИГА» магазини Сиз фақат китоб топширибгина қолмасдан, балки кутубхонангизда бўлмаган китобларни сотиб олишингиз ҳам мумкин.

Лекин проспектидаги 40-магазин юнорда кўрсатилган китобларнинг ҳаммасини; К. Маркс кўчасидаги 28-магазин эса фақат фойдаланилган китобларни сотиб олади.

КИТОБЛАРИН ЛЯШНАБ. ДАН ТАҚШАРИ ҲАР КҮНИ ТОПШИРИШ МҮМКИН.